



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «23» январь

№ ПК-39

### Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида

2023 йил 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик муроқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатаси, Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг 2024 йил 1 февралдан бошлаб қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва қўшимча рағбатлантириши назарда тутувчи **Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини** (кейинги ўринларда – рейтинг) жорий этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

#### 2. Белгилансинки:

а) рейтинг доирасида тадбиркорлик субъектлари қўйидаги тоифаларга ажратилади:

“AAA”, “AA” ва “A” тоифалар – **юқори** барқарорлик рейтинги;

“BBB”, “BB” ва “B” тоифалар – **ўрта** барқарорлик рейтинги;

“CCC”, “CC” ва “C” тоифалар – **қониқарли** барқарорлик рейтинги;

“D” тоифа – **қўйи** барқарорлик рейтинги;

**б) рейтинг Солиқ қўмитасининг “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформасида** (кейинги ўринларда – платформа) идораларо ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантирилади ва **Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;**

**в) юқори барқарорлик рейтинgidаги тадбиркорлик субъектлари** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши) таклифига асосан ҳар йили 20 август – Тадбиркорлар куни арафасида тақдирлаш учун давлат мукофотлари ҳамда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига тавсия этилади.

**3. Савдо-саноат палатаси Солиқ қўмитаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** рейтинг кўрсаткичлари мезонлари бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, унинг солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.**

**4. Юқори барқарорлик рейтинgidаги тадбиркорлик субъектлари учун қўйидаги рағбатлантириш чоралари жорий этилсин:**

**а) “AAA” тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида **солиқ текширувлари** ўтказилмайди** (жиной ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно), шунингдек, ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) **бир кун муддатда текширувларсиз** амалга оширилади;

**б) 4 ва 5-тоифадаги** туманларда фаолият юритаётган “AA” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида **15 фоиз** миқдоридаги дастлабки тўлов бир йўла амалга оширилганда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланмайди ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш муддати **5 йилгача** узайтирилади;

**в) “A”** ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:

солиқлар бўйича (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини **қайтариш уч кун муддатда** амалга оширилади;

товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби татбиқ этилади.

## 5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган рафбатлантириш чоралари давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ваундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди;

**2024 йил 1 апрелдан бошлаб** тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиқсан ҳолда жорий этилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Савдо-сеноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда **икки ой муддатда** тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференцияларни тақдим қилишнинг янгиланган тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**6. Платформанинг 2024 йил 1 февралдан тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш мақсадида:**

Олий суд ўзининг ахборот тизимлари платформага интеграция қилинишини таъминласин;

Солиқ қўмитаси Савдо-сеноат палатасига платформадан фойдаланиш ҳуқуқини берсин;

Савдо-сеноат палатаси рейтинг маълумотларини ҳамда келиб тушаётган мурожаатларга тезкор жавоб берилишини мониторинг қилиб борсин ва маълумотларнинг очиқлигини таъминласин.

**7. Жамоатчилик кенгашининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:**

Жамоатчилик кенгashi аъзоларини ҳудудлар ва соҳаларга бириктирган ҳолда, **2024 йилнинг I чорагида** тадбиркорлик субъектларига рейтинг тизими ва унинг имкониятларини ўргатиш бўйича семинарлар ўтказиш;

**ҳар ҳафта** мустақил эксперталар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, брифинглар, савол-жавоблар, видеороликлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

рейтинг натижаларини ҳудудлар, соҳалар ва тоифалар кесимида **ҳар чорақда** Жамоатчилик кенгashiда муҳокама қилиш ва аниқланган тизимли муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифларни киритиб бориш.

**8.** Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини юритиш тартибини тасдиқласин.

**9.** Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги мазмун-моҳиятини ёритиш ва уни жорий этишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**10.** Савдо-саноат палатаси Солик қўмитаси ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда:

**а) ҳар ҳафта** тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиб, ўрта, қониқарли ва қўйи барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектларининг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича уларга тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

**б) ҳар чоракда:**

юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида видеороликлар ва ташвиқот материалларини тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб борсин ва маҳаллаларда тарғибот тадбирларини амалга оширсин;

юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари иштироқида умумий, ўрта маҳсус ва олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ёшлар учун ўқув курслари ва маҳорат дарсларини ташкил қилсин;

**в) ҳар йили** рейтинг кўрсаткичлари мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини рейтинг натижаларининг холислигини таъминлаш нуқтai назаридан Жамоатчилик кенгаши йиғилишларида таҳлил қилиб, уларни такомиллаштириб борсин.

**11.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда **кенг ёритсин**.

**12.** Солик қўмитаси Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**13.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бosh вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

@soliqueWS

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни мазмун-моҳиятини ёритиш  
ва уни жорий этишининг ташкилий масалаларини ҳал этиш бўйича  
“ЙўЛ ҲАРИТАСИ”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ўргасида тушунтириш</b>					
1.	Тарғибот материаллари тўпламини яратиш, тизимдаги ва бошқа манфаатдор ташкилотларга етказиб бериш.	<b>1.</b> Ахборот-таҳлилий фойдаланган ҳолда хужжатлар (маъруза матни, инфографика, схема) тайёрлаш. <b>2.</b> Тарғибот материаллари тўпламини Савдо-саноат палатаси ва Солик қўмитасининг худудий бўлинмалари ва манбаатдор ташкилотларга етказиб бериш. <b>3.</b> Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган материаллар матнини, заруратга кўра рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиш, кенг фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилиш мақсадида “Дунё” ахборот агентлигига етказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 25 январь	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов)
2.	Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманини ўтказиш.	<b>1.</b> Матбуот анжумани ҳақида расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериш. <b>2.</b> Матбуот анжуманини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларига тайёрланган тарбибот материаллари тўпламини тақдим этиш. <b>3.</b> Матбуот анжуманини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 15 февраль	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов)

3.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг бўйича манфаатдор ташкилотлар ходимларини ўқитиш.</b>	<p><b>1.</b> Ўқув машғулотларини ўтказишнинг чораклик графикларини тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Малакали эксперталарни жалб этган Савдо-саноат палатаси, Солик қўмитаси, Бизнес-омбудсман ва бошқа манфаатдор идоралар ходимлари учун графикка асосан ўқув машғулотлари ўтказиш.</p>	Режа-график	2024 йил 1 февраль	Графикка асосан	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни мазмун-моҳиятини тушунтиришини ташкил этиш.</b>	<p><b>1.</b> Худудий ва республика тарбибот гурухларини шакллантириш ва уларниң таркибини тасдиқлаш.</p> <p><b>2.</b> Тарбибот гурухларини тарбибот материаллари тўплами билан таъминлаш.</p> <p><b>3.</b> Тарбибот тадбирларининг концепцияси, дастури ва уларни ўтказиш графикини тасдиқлаш.</p> <p><b>4.</b> Манзилли ва предметли тарбибот тадбирларини ўтказиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 1 февраль	Графикка асосан	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.</b>	<p><b>1.</b> Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни мазмун-моҳиятини тушунтириша қартилган мақола, материалларни веб-сайтларда жойлаштириш.</p> <p><b>2.</b> Мустақил эксперталар, мутахассислар ва ахолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, баҳслар ҳамда бошқа замонавий шакллар назарда тутилган медиа-режани тасдиқлаш.</p> <p><b>3.</b> Медиа-режага асосан тарбибот тадбирларини амалга ошириш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 1 февраль	Графикка асосан	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов)
6.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик мазмун-моҳиятини хукуқий ахборот контентини яратиш.</b>	<p><b>1.</b> Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингни бўйича савол-жавоблар, роликлар ва бошқа усувлардан фойдаланган ҳолда хукуқий ахборот контентини яратиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 28 январь	Режага асосан	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев),

	<b>Ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш.</b>	<b>2. Ижтимоий тармоқларда хукукий тарифбот материаларини тарқатиш.</b>			Бизнес-омбудсман (Касимов)
7.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг хукукий саводхонлигини аниqlаш мақсадида ижтимоий сўрововлар ўтказиш.</b>	<b>1. Сўровнома саволномасини тузиш. 2. Сўровнома ўтқазиладиган тадбиркорлар тоифалари ва худудларни белгилаб олиш. 3. Сўровномани ўтказиш. 4. Сўровнома натижаларини умумлаштириш, таклифлар ишлаб чиқиш.</b>	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил 1 март	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов)
8.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини бўйича натижаларни тизимили масалаларни ҳал қилиш.</b>	<b>1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-куватлаш бўйича жамоатчилик кенгашида тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги натижаларини худуд, соҳа ва тоифалар кесимида тизимли равишда муҳокама қилиш. 2. Муҳокама натижалари асосида аниqlangan тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</b>	Амалий чора-тадбирлар	Хар чорак	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов), манфаатдор идоралар
<b>II. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этишининг ташкилий масалаларини ҳал этиш</b>					
9.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини юритиш бўйича қўйидагиларни назарда туувчи тартибни тасдиқлаш: тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини шакллантириш тартиби; тадбиркорлик субъектларининг фоалиятини баҳолаш мезонлари, даврийлиги ва методикаси; тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини эълон қилиш тартиби.</b>		Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси	2024 йил январь	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Солик қўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов), Иқтисодиёт ва молия вазирилиги (Норкулов)

	<p><b>2.</b> Тадбиркорлик субъектларини рейтинг доирасида күйидаги тоифаларга ажратиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>“AAA”, “AA” ва “A” тоифалар – юқори;</li> <li>“BBB”, “BB” ва “B” тоифалар – ўрта;</li> <li>“CCC”, “CC” ва “C” тоифалар – коникарли;</li> <li>“D” тоифа – күйи барқарорлик рейтинги.</li> </ul>			
10.	<p><b>Юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектларини рафбатлантириш.</b></p> <p><b>1.</b> “AAA” тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида <b>солик текширувларини</b> ўтказмаслик (жиной ишлар доирасида текширувлар бундан мустасно), шунингдек, ушбу тадбиркорлик субъектларига күшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашни (қайтаришини) <b>бир күн мұддатда текширувларсиз</b> амалга ошириш.</p> <p><b>2. 4</b> ва <b>5-тоифадаги</b> тұманндарда фоалият юритаёттан “AA” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида <b>15 фойз</b> микдоридаги дастлабки тўлов бир йўла амалга оширилганда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси микдорида йиллик фоизларни ҳисобламаслик ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш мұддатини <b>5 йилгача</b> узайтириш.</p> <p><b>3.</b> “A” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:</p> <p>солиқлар бўйича (кўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини <b>қайтаришини уч күн мұддатда</b> амалга ошириш;</p>	<p>Қонун лойиҳаси</p>	<p>2024 йил март</p>	<p>Солик кўмитаси (Кудбиев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов)</p>

		товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланаидиган Кўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро хисобга олиш тартибинн татбик этиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Божхона қўмитаси ( <i>Мавлонов</i> ), Солик қўмитаси ( <i>Кудбиеев</i> )
11.	<b>“Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформасини жорий этиш.</b>	<p><b>1.</b> Идораларро ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантириладиган “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтнинги” электрон платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p> <p><b>2.</b> Олий суд ахборот тизимларини платформага интеграция қилиш.</p> <p><b>3.</b> Савдо-саноат палатасига “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтнинги” электрон платформасидан фойдаланиш хукуқини бериш.</p> <p><b>4.</b> Рейтинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш.</p> <p><b>5.</b> Рейтинг маълумотларини ҳамда келиб жавоб берилсини мурожаатларга тезкор қилиб мониторинг ва маълумотларнинг очиқлигини тъминлаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2024 йил январь</p>	<p>Солик қўмитаси (<i>Кудбиеев</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>Вахобов</i>)</p> <p>Олий суд (<i>Исламов</i>), Солик қўмитаси (<i>Кудбиеев</i>)</p> <p>Солик қўмитаси (<i>Кудбиеев</i>)</p> <p>Савдо-саноат палатаси (<i>Вахобов</i>), Солик қўмитаси (<i>Кудбиеев</i>)</p> <p>Савдо-саноат палатаси (<i>Вахобов</i>)</p>
12.	<b>Тадбиркорлик субъектларига қўллаб-куватлаш чораларини тақдим этишини тақомиллаштириш.</b>	Тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференцияларни уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиқкан холда, жорий этиш тартибини белгилаш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойихаси	2024 йил март	Иқтисодийёт ва молия вазирлиги ( <i>Норқулов</i> ), Савдо-саноат палатаси ( <i>Вахобов</i> )
13.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги</b>	<p><b>1.</b> Рейтинг кўрсаткичлари мезонлари бўйича услугубий қўлланма ишлаб чиқиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил январь	Савдо-саноат палатаси ( <i>Вахобов</i> )

	<b>бўйича бизнес вакиллари ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш.</b>	<b>2.</b> Рейтинг тизими бўйича тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкиллаштириш, махсус видеоролик тайёрлаш ва уни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш, шунингдек, услубий кўлланмани Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари орқали бизнес вакилларига тарқатиш. <b>3.</b> Ишлаб чиқилган услубий кўлланмаларни солик тўловчининг шахсий кабинети орқали тадбиркорлик субъектларига етказиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доммий	Солик кўмитаси (Кудбиев), Бизнес-омбудсман (Касимов)
14.	<b>Тадбиркорлик субъектларига барқарорлик рейтингини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиб бориш.</b>	Тармоқлар кесимида ўрта, кониқарли ва қуий барқарорлик рейтингидаги субъектлари фаолиятини таҳлил қилиб, уларнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсия ва таклифлар бериб бориш. Бунда, ююри барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари иштироқида маҳорат дарсларини ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар ҳафта	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Бизнес-омбудсман (Касимов), Солик кўмитаси (Кудбиев)
15.	<b>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги мезонларини ва уларни баҳолаш методикасини рейтинг натижаларининг холислигини таъминлаш нутқи назаридан таҳлил қилиб бориш, зарур ҳолларда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</b>	Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги мезонларини ва уларни баҳолаш методикасини рейтинг натижаларининг холислигини таъминлаш нутқи назаридан таҳлил қилиб бориш, зарур ҳолларда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар йили	Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Бизнес-омбудсман (Касимов), Солик кўмитаси (Кудбиев)

